

БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР РОХИЙМ

МЕХРИБОН ВА РАХМЛИ АЛЛОХ НОМИ БИЛАН

Зихи исминг Азим, рахмонлик ва раҳимлигинг – вожибут-таъзим. Исм – Сенинг исминг ва рахмонлик ва раҳимлик – Сенинг кисминг, Сен – ганжу, офариниш – тилсиминг.

Азим исминг кандай гўзал! Рахмонлигинг ва раҳимлигинг таъзимни такозо килади. Исм Сенинг исминг, рахмонлик ва раҳимлик Ўзингга хос. Сен бир хазинасану, йўқдан бор килиш Сенинг тилсиминг!

Изоҳ:

Раҳим – раҳмли.

Раҳмон – меҳрибон.

Азим – буюк, улуглиги чегара билмас.

Муаллиф муножотни Аллох таолони улуглаш, У Зотнинг буюклигини васф килиш, неъматларини эътироф этиш, У Зотнинг олдида ўз хокисорлигини изхор килиш билан бошламоқда. Бу анъана дуо одобларидан бўлиб, Расули Акрам соллаллоху алайхи васалламнинг суннатларидан саналади, у зотнинг жуда кўп дуоларида айна шу холат устувордир. Бу ҳақда ҳадис ҳам айтилган.

Имом Абу Довуд ва Имом Термизий Фузола ибн Убайд розияллоху анхудан ривоят киладилар: «Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам бир кишининг намозда Аллох таолони улугламай, Набий соллаллоху алайхи васалламга салавот айтмай дуо килаётганини эшитиб колдилар ва: «Бу шошиб кўйди», дедилар. Кейин унга: «Қачон бирингиз намоз ўкиса, Робби жалла ва аззани улуглаб, У Зотга мактовлар айтиш билан бошласин. Кейин Набий соллаллоху алайхи васалламга салавот айтсин. Сўнгра хохлаганини сўраб дуо килсин», дедилар».

Ҳазрат Навоий ҳам муножотини айнан ушбу ҳадисга мувофиқ равишда бошлайди.

Исминг жамъи сифати – асмой хусно, раҳмонлик ва раҳимлигинга юз минг ҳамду сано. Раҳим ҳам Сен, Раҳмон ҳам Сен, Азим ҳам Сен, Субхон ҳам Сен.

Исмингнинг бори сифатлари асмой хусно – гўзал исмлардир. Раҳмонлигинг ва раҳимлигинг учун Ўзингга юз минг ҳамду сано! Раҳим ҳам Ўзинг, Раҳмон ҳам Ўзинг, Азим ҳам Ўзинг, Субхон ҳам Ўзинг.

Изоҳ:

Азим – чексиз буюк, беҳад улуг.

Субхон – хар кандай нуксондан пок.

Субхоналлох, не кибриёву азаматдурким, Сендин ўзгага вужуд итлоки бўхтон ва тухматдур. Зотинг – кайюми бархак, вужудунг бокийи мутлак. Сендин ўзга мавжуд кўрунганлар намуди бевуд, балки нобуду номавжуд, вужуд ва мавжуддин Сен максуд. Таоло шаънука ва амма эхсонука ва ло илоха гайрука. Ё Вадуд ва Маъбудди Вожибул-вужуд.

Субханаллох! Бу кандай улуглик ва буюкликки, Сендан бошкани «мавжуд» деб мутлак айтиш ёлгон ва тухматдир! Зотинг хакикий Кайюм, мавжудлигинг мутлак бокий. Сендан бошка бор кўрунганлар борлиги йўк кўринишлардир, балки умуман йўк ва мутлако мавжуд эмасдек. Шон шарафинг юксак, яхшилигинг камровли, Ўзингдан ўзга илох йўк! Эй Вадуд! Эй Вожибул вужуд Маъбуд!

Изох:

Кайюм – сабабсиз мавжуд ва мавжудотга сабаб. Доимо мавжуд.

Вадуд – ўта шафкатли.

Вожибул вужуд – борлиги зарурий, йўк бўлган бўлиши ва йўк бўлиши мумкин эмас.

Маъбуд – ибодатга лойик, ибодат килинадиган.

ХАМД

Илохий, азамат ва жабарут Сенинг шаънингдадур ва мулку малакут [\[1\]](#) – Сенинг хукму фармойингда, азалиятингга бидоят йўк ва абадиятингга хадду нихоят йўк.

Хамду сано:

Илохим! Буюклик ва хукмронлик Сенинг ишинг, мулку малакут Сенинг хукму фармонингдадир. Азалийлигинга бошланиш йўк, абадийлигинга чегараю нихоя – тугаш йўк!

Изох:

Хамд – Аллох таолога мактов сўзларини айтиш, У Зотнинг инсонга етган ва етмаган неъматлари учун шукр ва мадх бажо келтириш.

Мулк – подшоҳлик, хукмронлик.

Малакут – мутлак тасарруф, мутлак подшоҳлик. Сўфийлик истилохига кўра, «мулк» – шаходат олами, яъни зохирий, хиссий олам, «малакут» – гайб олами, яъни хис килиш аъзолари билан билиб бўлмайдиган олам.

Дахр гулшанида хар гиёху яфрог – Сенинг хамдинга зокир ва сипехр анжуманида хар харфу аврок – Сенинг неъматингга шокир.

Дунё гулшанидаги хар бир гиёху япрок Сени хамду сано билан зикр килади, юксак йигинлардаги хар бир харфу когоз неъматларинг шукридадир!

Изох:

Хамд – Аллохнинг эриштиргану эриштирмаган неъматлари учун Унга мактов ва ташаккур изхор килиш, шукр – факат ўзига етган неъматлари учун Аллохга мактов ва ташаккур айтишдир. Хамд ва шукр сўзда хам, амалда хам бўлади, сано факат сўзга хос.

«Юксак йигин» деганда улуг инсонларнинг мажлиси хам, фаришталар жамоаси – «ал-малаил-аъло» хам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Жамолиятинг бўстонида секиз учмок – бир райхони дилнавоз ва жалолиятинг зиндонида етти тамуг – бир самуми жонгудоз.

Жамолий сифатларинг олдида саккиз жаннат дилни овутувчи бир райхондек, жалолий сифатларинг кошида етти дўзах жонни куйдирувчи бир ўтли шамолдек!

Изох:

Жамолий сифатлар – Аллох таолонинг мархаматини билдирувчи меҳрибонлик,

рахм шафкат, гўзаллик, кечиримлилик, халимлик каби сифатлар.

Жалолий сифатлар – Аллох таолонинг буюклигини, кудратини билдирувчи каххорлик, жабборлик каби сифатлар. Каххор – тўла хукмрон, Жаббор – мавжудотни Ўз измига юргизувчи Зот дегани.

Хашматинг боргохида бир шамма – мехри мунир ва санъатинг коргохида бир лавха – сипехри асир. Юз бу оламча мавжуд этай десанг, «кун фаякун» иборати анга кофий ва минг ончани маъдум этай десанг, «хабоан мансуро» ишорати анга вофий.

Улугворлигинг борлигидаги бир арзимас нарса нурсочар куёшдир, санъатинг ишхонасидаги бир лавха – асир, яъни юксак осмондир. Бу борликдан яна юзтасини пайдо килмокчи бўлсанг, «**кун фаякун**» лафзи кифоядир, бундай оламдан мингтасини йўк килмокчи бўлсанг, **«хабаан мансурон»** иборасида ишора килинган маъно унга етарлидир.

Изох:

«Кун фаякун» – «Бўл!» дейди, бас, бўлади». Бу ерда Бакара сурасининг 117 оятига ишора килинмоқда: **«Бирор ишни хукм килса, унга: «Бўл!» дейди, холос, бас, у бўлади».**

«Хабаан мансурон» – «Сочилган тўзон». Бу Фуркон сурасининг 23 оятидан иктибос: **«Килган амалларига келиб, уларни сочилган тўзон каби килиб юборамиз».**

Вахдоният сифатида шарик уазирдин мубарро ва фардоният сийратида волиду валаддин муарро. Илминг дарёсидин хар гавхар нужум дураридин покрок, мулкунг сахросидин хар лола куёш машъалидин оташнокрок. [2] Бемонандлигингга «лайса камислихи шайъун» гувохи содик, бепайвандлигингга «лам йалид ва лам йулад» далили мувофик. Хар негаким ташбих килилса

[3]

ўхамассен, яхши бокилса ул Сендин дурур ва Сен ул эмассен. Хамдингда такаллум ахли тили косир, сипосингда мутакаллимлар ажэдин мутахаййир. Бу бобда «ло нухси саноан алайка» мазкур бўлур, хар неча балогат лофин урган дам урмаса, маъзур бўлур.

Ёлгизлик сифатингда шерик ва вазирдан холисан, ягоналик жихатидан ота онаю фарзанддан поксан! Илминг дарёсидаги хар бир гавхар осмондаги юлдуз дурларидан-да покрокдир. Мулку салтанатингдаги хар бир лола куёш машъалидан кўра куйдирувчирокдир. Ўхшаши йўк Зот эканингга «лайса камислихи» ояти чин гувохлик беради, богликсизлигингга «лам йалид ва лам йуулад» ояти далил бўлади.

Сени бирор нимага солиштира, хеч нарсага ўхшамайсан, яхширок каралса, у Сендан бўладию, Сен у бўлмайсан. Хамду санойингни айтишга сўз усталарининг тили косир, мактовингни сўзлашга сухандонлар ожизликдан хайрону лол! Бу бобда «**Ло нухси саноан алайка**»

Н

и айтишга тўгри келади, хар канча балогат даъвосини килган одам нафасини ютса, узрлидир.

Изох:

«Лайса камислихи» – Шууро сурасининг 11 оятидан иктибос: «**У Зотга ўхшаш хеч нарса йўқдир**».

«Лам йалид валам йуулад» – Ихлос сурасининг 3 оятига ишора: «**У тугмаган ва тугилмаган**».

«Ла нухси саноан алайка» – «Мактовингни айтиб адо кила олмаймиз». Бу ибора имом Муслим ва Абу Довуд рахматуллохи алайхимо Оиша розияллоху анходан ривоят килган хадисдаги Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг дуоларидан иктибос.

Имом Термизий ривоят килишича, Умар розияллоху анху: «Дуо ер билан осмон орасида тўхталади, то Набийнинг соллаллоху алайхи васалламга салавот айтмагунигча, ундан бирор нарса кўтарилмайди», деганлар. Худди шу маънодаги сўз хазрати Алий розияллоху анхудан ҳам накл килинган. Шунга кўра, хазрат Навоий ҳамду санодан кейин Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга наъту салавот айтиш билан дуо килишнинг ушбу одобини ҳам койилмаком килиб бажо келтиради.

НАЪТ.

Улки, «Кунту набийян ва Одаму байнал¹ мои ваттин» мазмуни ила анбиёга мукаддамдур, «Рахматан лил-оламин» ва «Хотимун-набиййин» мантики била аларга муаххар ва хотамдур, хабиби Хазрати Илох Мухаммад Расулуллох [4] соллаллохи алайхи васалламдур. Юз йигирме тўрт минг

[5] анбиёи мурсал хилкатидин мурод ул ва барча анга хайл ва ўн секиз минг олам ихтироъидин максуд ул ва офариниш анга туфайл. Нубувват тахтида хумоюн фарки узра тож, анбиёву русул хайлида сохибмеърож, аввалийну охирийн халки анинг шафоатига мухтож. Буроки иноят анинг маркаби улви хироми ва Жибрили хидоят анинг пайки баркгоми, лайлатул-меърож анинг шабистони ва «ли маъаллохи вақтун»

12

анинг макоми. Салавотуллохи алайхи ва ало олихит-таййибин ва асхобихит-тохирин.

НАЪТ. «Одам хали сув билан лой орасида эканида мен Набий бўлган эдим» хадисининг мазмунига кўра, анбиёларнинг биринчиси бўлган, «Оламларга рахмат», «Набийларнинг сўнггиси» деган оятларнинг маъносига биноан, пайгамбарларнинг охиргиси бўлган зот Аллох таолонинг суюклиси Мухаммад Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдирлар. Бир юз йигирма тўрт минг набий ва расулнинг яратилишидан мурод, у зотдир, хаммалари у зотнинг лашкардир. Ўн саккиз минг оламини йўқдан бор килишдан мақсад ҳам у зот, яратилиш у зотнинг сабабидандир.

У зот пайгамбарлик тахти устида шараф боши узра тождирлар, набий ва расуллар орасида ягона меърож эгасидирлар, олдину кейин ўтган барча халклар у зотнинг шафоатларига мухтождирлар. Иноят Буроки у зотнинг самоларга сайр киладиган уловларидир. Хидоят фариштаси Жаброил алайхиссалом эса у зотнинг яшиндек тез юрар хабарчиларидир. Меърож кечаси у зотнинг хос тунларидир. «Менинг Аллох билан бўладган хос лахзам бор» деган хадислари макомларидир. У зотга, олийжаноб оилаларига, покдомон сахобаларига Аллох таолонинг салавотлари бўлсин!

Изох:

Наът – мактов, васф. Истилохга кўра, Расулulloх соллalloху алайхи васалламни васф килиш, макташдир.

«Одам хали сув билан лой орасида эканида мен Набий бўлган эдим» хадиси – имом Саховий, имом Заркаший, имом Суютий каби олимлар мазкур лафздаги хадис аслида йўқ эканини айтишган.

Уламолар айтишади: «Одам хали сув билан лой орасида эканида мен Набий бўлган эдим» матни лафз жихатидан ҳам тўғри эмас, чунки лой ўзи сув билан тупрокнинг аралашмасидан ҳосил бўлади. Бинобарин, «сув билан тупрок орасида» дейилганда мазмунан тўғри бўлар эди. «Сув билан лой орасида» дейиш мантикан ҳам хато ҳисобланади».

Аммо маъно жихатидан бу ерда кўзда тутилган мақсадни ифодаловчи бошка саҳих хадис бор. Имом Термизий Абу Хурайра розияллоху анхудан қилган ривоятда шундай дейилади: «Эй Аллохнинг Расули, сизга набийлик қачон вожиб бўлган?» дейишди. У зот: «Одам хали рух билан жасад орасидалигида», дедилар».

Бошка бир ривоятда «Сиз қачон Набий бўлгансиз?», яна бир ривоятда «Сиз қачон Набий деб ёзилгансиз?» деган лафзлар билан сўралган. Жавобда: «Одам хали рух билан жасад орасида эканида мен Набий бўлганман» ёки «Одам хали рух билан жасад орасида эканида мен Набий деб ёзилганман», дейилган.

«Рух билан жасад орасида» дегани хали рухи жисмига ковушмаган, деганидир. Бу эса Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг сўнгги пайгамбар бўлишлари Аллох кадимдан белгилаб кўйган қадар эканини билдиради. У зотнинг пайгамбарларнинг аввалгиси бўлишлари маънан деб тушинилиши керак, жисмонан эса сўнггисидирлар.

«Оламларга раҳмат» – муаллиф бу ерда Аллох таолонинг ушбу оятига ишора қиляпти: **«Сени оламларга факат раҳмат қилиб юбордик»** (Анбиё сураси, 107-оят).

«Набийларнинг сўнггиси» – муаллиф Аллох таолонинг қуйидаги оятига ишора қилмоқчи: **«Мухаммад сизлардан биронта эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллохнинг Расули ва набийларнинг сўнггисидир. Аллох ҳар бир нарсани ўта билувчидир»** (Ахзоб сураси, 40-оят).

Меърож – лугатда «юкорига кўтарилиш» деган маънони англатади. Шариатда эса Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг Байтул-Мақдисдан Сидратул-Мунтахога – Аллохнинг ҳузурига кўтарилишлари меърож дейилади. Меърож ходисаси хақида саҳих ҳадисларда кўплаб маълумотлар келган.

Бурок – Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам Исро кечаси минган улов. У ё ўта тезлиги, ёки ўта оппоқ бўлгани учун шу номни олган. Чунки бу сўз «чакнаш», «ялт этиш», «жилваланиш» деган маъноларни билдирувчи «барк» сўзидан ясалган. Унинг айрим сифатлари ҳадисларда зикр қилинади. Унинг тўлик васфи Аллохга маълум.

Жаброил алайхиссалом – вахий фариштаси.

«Менинг Аллох билан бўладиган бир вақтим бор» ҳадиси – Бу ҳадиснинг тўлик матни қуйидагича: «Менинг Аллох билан бўладиган бир вақтим бор, унда на бир муқарраб фаришта ва на бир юборилган набий сигмайди».

Бу хадисни Мулла Алий Корий Ханафий раҳматуллохи алайх ўзининг «Ал-Маснуъ фи маърифатил-хадисил-мавзуъ» китобида 259 раками остида келтириб, «хадис эмас», деган. Мухаммад Амир Моликий ҳам «Ан-Нухбатул-бахийя фил-аҳадисил-макзуба ала хойрил-барийя» асарида 278 раками остида мазкур матнни келтирар экан, «суннатда маълум эмас», деб изоҳ берган.

Имом Муновий раҳматуллохи алайх ушбу гап қабул қилинган тақдирда ҳам, бу ердаги «хос вақт»дан Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг намоз ўқийдиган пайтлари тушунилиши мумкинлигини таъкидлаган.

Шайх Анборий «хос вақт»ни Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг хос ҳолатда ва хос вақтда Аллох таолога бўлган қурбатнинг энг юқори нуқтасида бўлган лаҳзалари деб тушунтиради.

МУНОЖОТ.

Илохий, акрамул-акрамин – Сен ва мен гунохкор. Илохий, архамур-рохимин – Сен ва мен тийрарўзгор.

Илохим! Сен қарамлиларнинг қарамлисисан, мен эса гунохқорман! Илохим! Сен раҳмлиларнинг раҳмлисисан, мен эса ҳаёти зулматда қолган одамман.

Илохий, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўк, аммо Сендин ўзга ҳам кишим йўк.

Илохим! Гарчи гуноҳ ва осийликдан бошқа ишим йўк, аммо Сендан бошқа ҳеч кимим ҳам йўк!

Илохий, йўк эрдим, бор эттинг, тифл эрдим, улуглар жиргасига коттинг, аммо нафсу хаво елидин зухдум ниҳолин ушоттинг ва офиятим хайлин ёзук сипохи турктозидин таркаттинг.

Илохим! Мен йўк эдим, бор килдинг, гўдак эдим, катталар сафига кўшдинг. Бирок, нафсу хавойим шамоли билан зоҳидлик кўчатларимни парчалаб ташладинг, офият саломатлик лашкаримни гуноҳкорлик хужумкор кўшинлари билан тиркиратиб юбординг!

Изоҳ:

Бу ерда муаллиф инсон балогатга етгач, унда нафсу шахват истаклари юзага келишини назарда тутмоқда ва бу ҳам Аллоҳ инсон табиатига жо килган қонуниятлардан эканини ёдга олмоқда.

Илохий, ямон афъолимдин паришонлигим чўктур ва шум нафсимда пушаймонлик йўктур, мундоқ балодин кутулурга умидим Сендин ўктур.

Илохим! Ёмон ишларимдан жуда ҳам паришонман, шум нафсим эса пушаймон эмас, бундай офатдан кутулишга умидим фақат Ўзингдандир!

Илохий, ўзлук ёмонлигининг ўзлугум била ўта олмайдурмен ва яхшиларнинг этагин ёмонлигим уётидин тута олмайдурмен.

Илохим! Ўзлим ёмонлигидан ўзимча ўта олмайман, ёмонлигимдан уялганимдан яхшиларнинг этагини ҳам тута олмайман!

Изоҳ:

«Ўзлик» деганда тасаввуф ахли инсондаги «МЕН»ни назарда тутадилар. Инсон шу «МЕН»идан кечмагунича Аллохга етиша олмайди.

Илохий, йиллар ибодат қилгонни рад қилсанг, ҳеч ким дахл қила олмас ва қарнлар исён қилганни қабул қилсанг, ҳикматин ҳеч киши била олмас.

Илохим! Йиллар ибодат қилган бандани даргоҳингдан қувсанг, ҳеч ким орага туша олмайди, асрлар осийлик қилган одамни ҳузурингга қабул қилсанг, ҳеч ким бунинг ҳикматини била олмайди!

Илохий, Одам ҳилофат тахтининг муставжиби ўзимиз бўлди? Сенинг тақдиринг бўлмай шайтон муҳолафатининг сўзимиз бўлди?

Илохим! Одам Сенга халифа бўлиш мавкеига ўзича эга бўлибдими? Сен такдир килмай, шайтоннинг терс сўзи бўлибдими?

Изох:

Одамнинг Сенга халифа бўлиши Ўзингнинг хукминг билан, шайтоннинг унга карши килган ишининг амалга ошиши эса Ўзингнинг такдиринг билан бўлгандир.

Илохий, бергучи Сенсен хам фиску фужурни, хам зухд, хам вараъни, аларнинг тухматин бир неча ожизга богламок не яъни?

Илохим! Фиску фужурни хам, зухду таквони хам Ўзинг берасан. Шундай экан, буларни бир неча ожизга тўнкаш нимаси энди?!

Изох:

Фиск – очик оидин гунох, баралла гунох килиш. Фужур – журъат билан гунох килиш, осийликни ёйиш. Зухд – калбнинг дунё матохларига эътиборсиз бўлиши. Такво – Аллохдан кўркиш.

Навоий бу ерда бандаларнинг амалларини Аллох яратишини, уларни бандаларнинг ўзига нисбат бериш нотўғрилигини, инсон ўз амалини ўзи яратишдан ожиз эканини таъкидламокчи. Аммо бу дегани гунохни хам, савобни хам Аллох таолонинг Ўзи килдириб, кейин бандани жазога тортади, дегани эмас. Акийда илмидан маълумки, банданинг амалларини Аллох яратиб беради, банда ўша амални ният килгани, танлагани, ўшанга касд килганига яраша жазо ёки мукофот олади.

Илохий, иноятингга умидворменким, гунохим бехаддур ва рахматингга сазоворменким, хатову сахвум беададдур.

Илохим! Гунохим кўп, шунинг учун иноятингдан умидворман, хато ва камчиликларим кўп, шу боис рахматингга хаклиман!

Илохий, дарди холимни хар кимга айтсам, рад килса, Сенга таважжух эткаймен ва агар Сен рад килсанг, неткаймен ва кимга кеткаймен? [\[6\]](#)

Илохим! Агар арзу дардимни бирортага айтсам-у, у рад килса, Сенга юзланаман, аммо Сен рад килсанг, кимга бораман, нима кила оламан?!

Илохий, Санинг йўлунгда туфрог етса, тўтиёдур ва кесак йўлукса, кимёдур, гайрингдин кизил олтун каро туфрогдек бекадру камбаходур.

Илохим! Сенинг йўлингда менга тупрок тегса, мен учун у тўтиёдир, кесак тегса, кимёдир, аммо Сендан ўзга тарафидан кизил олтин берилса хам, кадрсиздир, бахоси пастдир!

Илохий, ёмонлигимдин агарчи кўп аламим бор, гамхорим Сен бўлсанг, не гамим бор.

Илохим! Агарчи ёмонлигимдан жуда хам аламдаман, аммо Сен гамхўрим бўлганингда кейин, нима гамим бор?!

Илохий, дунё майли риштасин кўнглумдин уз ва нафсоният тийралигида хидоят шамъи била ўзунг сори йўл кўргуз.

Илохим! Дунёга бўлган рағбат ипларини кўнглимдан узиб ташла, нафс зулматида колганимда хидоят шами билан Ўзингга олиб борадиган йўлни кўрсат!

Илохий, ул узун йўл ва котиг водийда иноятинг била йўлда ва анинг катъида аёгим тойилса, дастгирлигинг била кўлда.

Илохим! Ўзингга элтувчи бу узун йўл, машаккатли водийларда мени Ўз иноятинг билан йўлга сол, бу йўлни босиб ўтар эканман, оёгим тойилса, Ўз ёрдаминг билан мени кўлла!

Илохий, бу йўл сайрида шайтонни теграмга ёвутма, агар ул адув йўл урса, зухдумдин не келгай, иноятингни ўксутма.

Илохим! Бу йўлда борар эканман, шайтонни яқинимга ҳам келтирма, агар бу ёвуз душман йўлдан урадиган бўлса, соҳидлигим нима ҳам килиб берарди?! Ўз иноятингни дариг тутма!

Илохий, таквое берки, нафси гаддор анга забун бўлсун, вараъе насиб килки, шайтони нобакор боши анинг аёгида нигун бўлсун.

Илохим! Менга шундай бир такво берки, алдамчи нафс унинг олдида маглуб бўлсин, бир пархезкорлик насиб этки, нобакор шайтоннинг боши бу пархезкорлик оёгида эгик бўлсин!

Илохий, гафлат уйкусидамен, бедор кил ва жахолат мастлигидамен, хушёр кил.

Илохим! Гафлат уйкусидаман, мени уйгок кил, жахолат – илмсизлик мастлигидаман, хушимга келтир!

Илохий, ул бедорлигни огохликка еткур ва бу хушёрлигни беиштибохликка уландур. [\[7\]](#)

Илохим! Ўша уйгоклигимни огохлик даражасига етказ, ўша хушёрлигимни шубхасизлик

даражасига туташтир!

Изоҳ:

Банда иймоний хакикатларни англаб етгани сари ўзининг аввалги холи гафлат эканини билиб бораверади ва инсон ўзини гафлатда деб билиши билан гафлатдан узоклашиб бораверади.

Илохий, душмандур шайтони хийланамоё манга ва нафси худройдур корфармой манга, бу варталарда дастгир бўлмасанг, вой манга.

Илохим! Шайтон менга найрангбозлик килади, ўзбошимча нафсим менга буйрукбозлик килади, мени бу тўсиклардан Ўзинг ўтказмасанг, холимга вой бўлади!

Илохий, агар хислатим эGRIDур, ниятим туздур, бу жихатдин агар кўркунчум бирдур, аммо умидим бирга юздур.

Илохим! Хислатларим нотўгри бўлса ҳам, ниятим тўGRIDир, шунинг учун кўркинчим бир микдор бўлса, умидим ундан юз баробар кўпдир!

Илохий, агар афъолимга боксам, уёт ўлтурур ва Сенинг карамингни согинсам, умид танимга жон келтурур.

Илохим! Агар килган ишларимга карасам, уят мени ўлдиради, аммо Сенинг карамингни ўйласам, умидворлик танимга жон бахш этади!

Илохий, Сендин ёмонлиг келмас ва мендин яхшилиг, Сен яхшисен ва мен ёмон. Хар кимга [8] ўзига муносибдур килиг. Тикан иши санчилмог учун ани куйдурмак муносибдур, бахор файзи ом учун анга гул мусохибдур.

Илохим! Сендан ёмонлик келмайди, мендан эса яхшилик. Сен яхшисан, мен ёмонман. Хар кимнинг иши ўзига яраша бўлади. Тиканнинг иши санчилиш бўлгани учун уни куйдириш керак бўлади, бахор фасли бутун оламга файзу барака олиб келгани учун унда гуллар очилади!

Илохий, тупрогдин эл кўзига тийралик етар ва куёш ашиъа била олам ахли кўзин равшан этар.

Илохим! Тупроқдан одамларнинг кўзига коронгулик етади, куёш эса нурлари ила олам ахлининг кўзини ёриштиради!

Изох:

Аллохим! Мени тупроқдан яратибсан, тупроқлигимга бориб, хатою гунохларга ботдим.

Аммо Сен Нурсан, энди Сенга менинг тупроклигим ортидан килган хатоларимни аритиш муносибдир.

Илохий, чун [9] хар не килилур, [10] Санга такдирдур, килгучига килмокта не тадбирдур?!

Илохим! Нимаики килинса, Сенинг тақдиринг билан экан, килувчининг кўлидан нима тадбир келарди?!

Илохий, тақдир килганингни килурга не ихтиёр, килмасмен демакка кимнинг хадди бор?!

Илохим! Сен бир ишни тақдир килсанг, килмасликка ихтиёр колармиди?! «Килмайман», дейишга кимнинг хам хадди сигар эди?!

Изох:

Бу ерда муаллиф Ўзини буткул Аллох таоло каршисида хис этиб, У Зотга арзи хол килмоқда. Ўзини худди ёш боладек тутиб, болаларча узрхохлик этмоқда. Килмишларини «тақдирда бор экан, килиб кўйдим», дейиш билан ўзининг камоли ожизлигини эътироф этиб, ёлворишни энг юкори чўккисига олиб чикмокчи. Бу холни ўша макомдаги кишиларгина англай биладилар, аммо уни таърифлашга тил ожиз, калам нокисдир.

Бу ерда ошиқларга, яъни Аллохга тамоман боғланиб, валоят топган зотларга хос эркалик

хам бор. Аммо буни зохирий маънода, яъни гунохни тақдирга тўнкаб, ўзини беайб деб билишга йўйиш тамоман жохилликдир.

Хазрат Навоийга ўхшаш улуг кишилар каттаю кичик гунохлардан тамоман узок бўлсалар-да, ўзларининг Аллох таолога бандалик бажо келтиришдаги нуксонларини катта айб деб биладилар, бир зум гафлатда бўлишни огир гунох санайдилар. Улар айтарли гунох килмаган холда ўзларини гунохкор деб аташ билан Аллох таолонинг олдида бандаликларини, ожизликларини намоён киладилар.

Илохий, агарчи залолатка тушубмен, аммо хидоятингга талабгормен ва агарчи тамуг ўтига тушкали ёвушубмен, аммо раҳматингдин умидвормен.

Илохим! Гарчи адашувга кетган бўлсам хам, хидоятингга талабгорман, гарчи дўзах ўтига тушишга сал колган бўлсам хам, раҳматингдан умидворман!

Илохий, умидимни карамингдин маъдум килма ва раҳматингни халойикка ом килганда мени хам махрум килма.

Илохим! Фазлу карамингдан бўлган умидимни йўк килма, бутун халойикка раҳматингни туширганингда, мени ундан махрум килма!

Изох:

Аллохим! Фазлу караминг бекиёс. Гарчи гунохкорман, ёмонман, аммо карамингдан

умидворман, ноумид кўйма! Аллохим! Сен бутун махлукоғга рахматингни сочасан. Рахматинг шунчалар бепоёнки, у яхшию ёмонни айирмай камраб олади. Ана ўшанда мен ёмонни ҳам махрум килмай, рахматингга дохил кил!

Илохий, агар дастгир Сен бўлмасанг, асо ҳамону ит гунжиси ҳамон ва агар пардапўш Сен бўлмасанг, ридо ҳамону эшак аргамчиси ҳамон.

Илохим! Агар Ўзинг кўлловчи бўлмасанг, хасса ҳам бир, итнинг халкаси ҳам бир. Агар Ўзинг тўсмасанг, ридо ҳам бир, эшак аргамчиси ҳам бир!

Изоҳ:

Маълумки, сўфийликнинг асосий белгиларидан бири хасса тутиш бўлса, яна бири ридо, жанда кийишдир. Аммо бу нарсалар зохирий бир кўриниш бўлиб, Аллох таолонинг бандага инояти бўлмаса, улар ҳеч қандай маъно касб этмайди. Мана шу тушунчадан келиб чиқиб, муаллиф бу ерда шундай демокчи: «Эй Аллох! Агар бандани Ўзинг кўллаб кувватламасанг, сўфийнинг тутиб олган хассаси итнинг халкасидек гап (яъни итнинг бўйнига кимматбаҳо халка осилиши ҳеч нарсани ўзгартирмаганидек, сўфийлик аломати бўлмиш хассани тутиб олишнинг ўзи билан киши ҳеч нарсага эга бўла олмайди). Агар банданинг айбу нуксонларини Ўзинг тўсиб, яшириб турмасанг, унинг кийган ридоси эшакнинг аргамчисидан фарқ килмайди».

Илохий, тоатингга хавасим бор, аммо нафска [\[11\]](#) забунмен, ибодатингга мултамасим бор, аммо гирифтори ишқу жунунмен.

Илохим! Тоатингни килишга хавасмандман, аммо нафсга маглубман, ибодатингни

килишни истайман, бировк ошиклигу мажнунликка мубтало бўлганман!

Изох:

Бу хакикий ориф инсоннинг гапидир. Ўзининг кимлигини англаган банда хар канча ибодату итоатда бўлса ҳам, Аллох таолонинг буюклигини мушохада килганда У Зотга лойик ибодат кила олмаётганини тўла хис этади, ожизлигини англаб етади. Шу боис, у канча кўп ибодат килса, бу борадаги камчиликларидан шунча кўп ўкинади. «Ундай ибодат килдим, бундай зикр киляпман», деб ўтирмайди, аксинча, инсоний нокисликларини тан олади. Хар канча тоат-ибодатда бўлса ҳам, Аллохнинг каршисида ўзини худди ибодат килмагандек тутуди, харчанд итоатда бўлса ҳам, ўзини осийдек фахмлайди, нокисликларининг боиси бўлган инсоний нафс ва камчиликларнинг тўскинлигидан Аллохнинг Ўзига арз килиб ёлворади. Шунинг учун ҳам орифлардан баъзилари: «Истигфорларимизнинг ўзи кўп истигфор айтишимизга мухтождир», дейдилар.

Бу маънолардан хазрат Навоийнинг нақадар улугликларини, канчалар буюк калб ва юксак маком сохиби эканларини англаш мумкин. У киши бандаликнинг гўзал ва юксак намунасини ифода этувчи илтижоларида яна шундай давом этадилар:

Илохий, лахву хаво майидин мастмен, ужбу риё жомидин майпарастмен, бу дастовизлар била шайтонга хамдастмен.

Илохим! Нафсу хаво ва ўйин қулгилар майи билан маст бўлганман, ужбу риё косасини тутган майпарастман, бу тухфалар билан шайтонга хамкорман!

Изох:

Ужб – ўзига бахо берши. Риё – хўжақўрсинга амал килиш.

Ориф банда Аллохнинг зикридан бир дам узилишни ўзига нуксон деб билади ва мана шу камчилигини катта айб санаб, бунинг учун Аллохга тавба, арзу илтижо килади. У қилган ибодату зикрларига ҳам бахо бермайди, уларни паст санайди, ўзини риёю ужуб каби камчиликларга йўл қўйганликда айблаб, Аллохнинг олдида тазарруънинг юксак намунасини кўрсатади.

Бу муножотда «Банда гуноҳини канчалик кичик билса, у Аллохнинг қошида шунчалик улкан саналади, аксинча, канчалик катта фахмласа, Аллохнинг қошида шунчалик кичик битилади. Банда ибодатини канчалик катта санаса, у Аллохнинг қошида шунчалик кадрсиз бўлади, канчалик кичик билса, шунчалик кадр топади», деган хикмат ўз аксини топган.

Илохий, париузорларга мени девона қилдинг ва шамърухсорларга [\[12\]](#) кўнглумни парвона қилдинг, бу сабаблардин

[\[13\]](#)

расволик

[\[14\]](#)

била оламга афсона қилдинг.

Илохим! Париюзлиларга мени девона қилдинг, шамчехраларга кўнглимни парвона қилдинг, мана шу сабаблар билан мени оламга афсона қилдинг! [\[15\]](#)

Изоҳ:

Париузорлар, яъни гўзал юзли ёрлар.

Ёр – шухуд олами, яъни Хак таолонинг Зотини мушохада килиш, Аллохни калб кўзи билан кўриш.

Шам – соликнинг калбини куйдириб ташлайдиган илохий нурлар. Шунингдек, шухуд даражасига эришган орифнинг калбини ёритадиган ирфон нури. «Илохий шам» деганда, Куръони Карим хам тушунилиши мумкин. «Шамчехралар» деганда ана ўшандай нур ва ирфон эгаси назарда тутилган бўлади.

Аллохим! Мени Ўзингни калб кўзи билан кўришга мушток килдинг, Сенинг нурларинг ва маърифатингни ўзида мужассам этган зотларга кўнглимни ошик килдинг, бу билан мени бутун дунёга афсона килдинг!

Илохий, неча мусалсал зулф савдосидин бўйнымда занжир бўлгай ва муанбар хол хаёлидин кўнглум асир, Санга такдир бу навъ эрса, манга не тадбир?!

Илохим! Канча ўрим сочларнинг савдоси бўйнимга занжир бўлди, хушбўй хол ўйига кўнглим асир бўлди, Сен шуни такдир килган бўлсанг, менинг нима чорам бор?!

Изох:

Зулф (соч) – зулмат ва куфрга ишора. Куфр эса истилоҳда «тафрика» оламининг коронгилигини билдиради.

Сўфийликда «жамъ» ва «тафрика» деган атамалар бор. Рух Аллох таолонинг жамолини кўрган пайтда акл ва тафаккур кобилияти тўсилиб, Аллох таолодан бошка ҳеч нарсани кўрмай, англамай қолади. Мана шу холат «жамъ» дейилади. Аллох таолонинг жамоли рухдан тўсилиб, рух зохирий оламга кайтиб, акл ва тафаккур ўз кобилиятига эга бўлган пайтда инсон ташки оламини кўриб, англай бошлайди. Бу холат «тафрика» дейилади.

Хол – ваҳдат нуктаси. Баъзилар уни «Хакикати мухаммадийя» дейишади. Сўфийлик истилоҳидаги бу тушунча Аллох таоло дастлаб Ўз нуридан Муҳаммад соллаллоху алайхи васалламнинг нурларини яратди, кейин ўша нурдан бутун мавжудотни халқ килди, деган эътиқоддан келиб чиққан. Мазкур нур «Хакикати мухаммадийя» деб аталган.

Шунингдек, «хол» деганда гуноҳ зулмати, маъсият қоронғилиги ҳам тушунилади. Бу ўринда гуноҳ, маъсият деганда тоатнинг қамлиги, Аллох таолога қилинаётган ибодатнинг озлиги, зикрни етарлича қилмаслик ҳам тушунилади. Чунки бу ҳолат бандани илохий нурлардан тўсувчи парда бўлиб, қалб зулматига сабаб бўлади. Бу ерда мана шу иккинчи маъно назарда тутилган.

Аллоҳим! Рухимдан жамолинг тўсилиб, рухнинг ташқи оламга аралашиши бўйнимга занжир илингани бўлди. Кўнглим эса нафсга ёқадиган гуноҳ, гофиллик зулматига мубтало бўлди. Сен шуни тақдир қилган бўлсанг, мен нима ҳам қила олардим?!

Илохий, кўнглум қишвари қаро қирпиклар ясоли яғмосидин бузуктур ва сабрим уйи гулранг узорлар ҳўйи селидин йиқуктур.

Илоҳим! Кўнглим мамлақати қора қирпиклар қўриқчилари ҳужумидан бузилиб кетган, сабрим уйи эса гулранг чехралар феъли атвори селидан йикилиб битган!

Изоҳ:

Қирпиклар – сўфийлар истилоҳига қўра, солиқнинг маҳфий ёқи ошқор амаллар ҳусусида фикр қилиши сабабли валийлик йўлида тўғри қелган тўсиқлар. Ошиқлар истилоҳига қўра эса, маъшукнинг гамзасидан ошиқ қалбига етган ўқ ва найза. Хатто ошиқ бу жароҳатдан лаззатланиб, ҳурсанд бўлганидан қичкириб юборай дейди. Гамза эса қамолот ҳосил қилган муршидларнинг таважжуҳи. Шунингдек, гамза деганда илохий иноят нигоҳи ҳам

назарда тутилиши мумкин.

Гулранг узор – гулранг юз, яъни кизил юз. Кизил ранг истилоҳда илхомли нафсга ишора. Чехра – солиқнинг калбига ўзидан гойиб бўлган ҳолатида Ҳак таолодан бўладиган тажаллиётлар.

Аллоҳим! Муршидларнинг таважжуҳи сабабидан кўнглим синик, хоксор, дардли бўлиб бўлган, илҳомбахш тажаллиётлар тоқатимдан ташқари бўлиб кетган!

Илохий, ҳар оташин лаъл менинг ўт тушкан жонимдин намудор ва ҳар сероб гунчада менинг кўп пайкон еган кўнглум шакли падидор. Бу офатларнинг иложи Сенга осондур, менга душвор.

Илоҳим! Ҳар бир оташин лаъл менинг ўт тушган жонимдан бир намуна, ҳар бир серсув гунчада менинг кўп ўк еган кўнглимнинг шакли акс этган. Бу офатларни бартараф қилиш Ўзингга осон, менга қийин!

Изоҳ:

Аллоҳим! Ҳар қандай оташнафас сўз менинг муҳаббат ўтида қуйган руҳимдан бир намойиш, ҳар бир сувга тўлиб турган гунчанинг шакли-шамойилида мажруҳ калбим холи акс этган! Мени бу қийин ҳолатдан Ўзинг чиқаргин!

Илохий, шўҳи чобукларга жавлонда [\[16\]](#) ҳар ён шитоб солурсен ва аларнинг ҳар ён

шитобидин менинг ошуфта кўнглумга хар дам

[17]

изтироб солурсен.

Илохим! Тезкор шўхларга жавлон урганларида хар тарафда шитоблик берасан, уларнинг хар томон урган шитобларидан менинг девона кўнглимга изтироб соласан!

Изох:

Шўхлик – солиқдаги калбий таъсирланиш ва мослашишни юзага чикариш учун кетма-кет таважжух бўлиши.

Аллохим! Калбимдаги таъсирланиш, ўзгаришларни юзага чикариш учун кетма-кет таважжух килган пирларнинг бу саъйи харакатларини таъсирчан ва тез килиб кўясан, уларнинг бу ишларидан менинг кўнглимга изтироб соласан!

Илохий, аларга ул шитобдин карор йўк [18] ва менга бу изтиробда [19] ихтиёр йўк. Аларнинг дилраболиги хам Сендин ва ошуфта кўнгулнинг мубталолиги хам Сендин.

Илохим! Улар мазкур шитобликдан тинмаслар, мен эса мазкур изтиробимда ихтиёрсизман. Улардаги калбни ром этиш хам Ўзингдан, девона кўнгилнинг уларга ошику мубтало бўлгани хам Ўзингдан!

Аллохим! Таважжухлар бу тезкорликдан тўхтамайдилар, мен хам изтиробни тўхтата олмайман. Уларга Сени калб билан кўриш малакасини хосил килувчи кувват берган хам Ўзингсан, мушток кўнглимнинг уларга мубталолиги хам Ўзингдан.

Илохий, бирав хуснига малохат берурсен ва анинг тузин менинг кўнглум жарохатига сепурсен.

Илохим! Бировнинг хуснига малохат берасан да, унинг тузини менинг кўнглим жарохатига сепасан!

Изох:

Малохат – ҳеч ким ета олмайдиган илохий камолот. «Малохат» сўзи лугатда «милх» (туз) сўзидан келиб чиккан бўлиб, тотлилик, ёкимлилик маъносини билдиради. Муаллиф ана шу ўзакка ишора қилиб, «тузини жарохатимга сепасан», деб сўз ўйини қилмоқда.

Яъни: Аллохим! Сени қалб билан кўрган кишига ҳеч ким ета олмайдиган илохий камолотни кўрсатасан, ўша илохий камолот ишкида кўнглим алам чекади!

Илохий, биров мижаси нишин захролуд этарсен ва анинг нўгин менинг яралиг багримга санчарсен.

Илохим! Бировнинг киприк ништарини захарли қиласан да, унинг учини менинг ярадор багримга санчасан!

Изох:

Комил муршидларнинг таважжухларини нафсни ўлдирувчи қиласан ва уни менинг

маънавий бемор бўлган калбимга қадайсан!

Таважжух ботиний хол бўлиб, калб билан назар солишни билдиради. Бу албатта хар кимга ҳам муяссар бўладиган холат эмас, бунинг учун калб мусаффо бўлиши, юксак макомларга эга бўлиши керак. Муршиди комил инсоннинг таважжухи муриднинг калбига таъсир ўтказди, ундаги кирликларни кетказди, маънавий дардларини аритади. Бу Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан бошлаб умматнинг тарбияткунанда олимлари сийратида бардавом бўлиб келаётган хусусиятдир. Сахобаи киромларнинг фазилатлари бевосита Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг таважжухларининг самарасидир. Шунинг учун ҳам у зот билан хамсухбат бўлишнинг ўзи алоҳида бир маком хисобланади. Бу сахобалик макомидир.

Илохий, шамъ хусни безанмаги хам Сендин ва парвона жони ўртанмаги хам Сендин.

[\[20\]](#)

Илохим! Шамнинг хусни гўзал бўлгани хам Сендан, парвонанинг жони ўртангани хам Сендан!

Изох:

Бу байтни зохирий тушуниш хам, ботиний маънода тушуниш хам мумкин. Зохирийси маълум. Ботинийсига келсак, у куйидагича: «Солик калбида тажаллий килган Сенинг нурининг гўзаллиги, албатта, Сендандир, ўша нурга ошуфта бўлган солик калбининг талпиниши хам Ўзингдандир».

Илохий, гул узориға дилафрўзлук хам Сен бердинг ва булбул фиғони зориға

жигарсўзлук [21] хам Сен бердинг. Агар кайси шамъи гулрух ишки ўтинким кўнглумга солдинг, парвона ва булбулдек сабру кароримни олдинг.

Илохим! Гулнинг юзига кўнгилни ёриштириш хусусиятини хам Сен бергансан, булбулнинг фиғону зорига жигарни ёндирадиган таъсирни хам Сен бергансан. Кайси бир гулюзли шамнинг ишку мухаббати ўтини кўнглимга солган бўлсанг, парвона ва булбулда бўлганидек, сабру кароримни олиб кўйдинг!

Изох:

Бу муножот олдингисининг узвий давоми ва унинг биринчи кисмини икки хил – зохирий хамда ботиний маъноларда тушуниш мумкин, кейингиси эса факатгина ботиний мазмунга тўғри тушади.

Илохий, агар ишки суубатидин базм туздум ва май сели офатидин такво ва зухдум уйин буздум. Ул не май ичмак ва аёғ тутмок эрдиким, аёғ аёғ кон ютмок эрди.

Илохим! Ишкининг кийинчилигидан базм туздим, мен ичган майлар кўплигидан гўё сел бўлиб, такво ва зоҳидлигим уйини бузиб юборди. Бу кандай майхўрлик, не ажиб кадах кўтариш бўлдики, кадах кадах кон ичиш бўлди!

Изох:

Май – солиқнинг калбидан отилиб чиқадиган, уни хурсанд ва бахтиёр киладиган завку шавк. Май илохий ишқ мухаббат маъносида хам ишлатилади.

Такво ва зухд – бу ерда сўфийлар наздида «зуҳди хушк», яъни курук зоҳидлик деб юритиладиган зоҳидлик ва такводорлик назарда тутилган бўлиб, истилохга кўра, кишини маънавий камолотга олиб бормайдиган, калбдан балкиб чикмаган юзаки такводорлик, зоҳидлик, бошқача килиб айтганда, шариатга мухаббатсиз амал килишдир.

Аёғ (кадах, коса, май идиши) – гайбий нурларни мушохада киладиган, маъноларни идрок этадиган восита, яъни ориф калби.

Кон – илохий нафха. «Рахмон нафаси» деб хам таъбир берилади.

Яъни: Аллохим! Калбимга мухаббатини солганинг гулюзли маъшукнинг ишки машаккатларини зиммамга олганим учун завку шавкинг, мухаббатинг калбимга шундай ёгилдики, юзаки амалларим йўқ бўлиб кетди. Бу шавку завк шундай ажойиб бўлдики, калбга илохий файзу футухлар, рахматлар куйилди.

Илохий, агар хажри шиддатидин туганлар ўртадим, дину Ислоим [\[22\]](#) мазраъида хирманлар ўртадим.

Аллохим! Агар унинг хажри каттиклигидан ярақ доғлар орттирдим, диндорлик, муслмончилигим экинзоридан чиккан хосилқ хирмонларни куйдириб юбордим!

Изох:

Хажр, хижрон – зохирда бўлсин, ботинда бўлсин, Аллохдан ўзгага бурилиш, юзланиш, Аллохнинг зикридан гафлатда бўлиш. Шунингдек, маъшукдан, яъни калбда мухаббати ўрнашган гулюзли ёрдан маънан узилиш, айрилиш.

Аллохим! Ўша гулюзли ёрдан айрилиш сабабли нуксонлар, маънавий касалликлар пайдо килдим, бу билан диндорлигим, мусулмончилигимни ҳам пайхон килиб кўйдим!

Илохий, хар туган саводидин офиятим рухсорин каро килдим ва анинг дудидин иймоним рўзгорин каро килдим.

Илохим! Хар бир ярақ догнинг коралиги билан офиятим юзини кора килдим, унинг тутунидан иймоним хаётини ҳам коронги килдим!

Илохий, агар хавасидин [\[23\]](#) бош-аёг яланг хар ён югурдум, бошдин-аёгим ёмон эрканин халойикка билдурдум.

Илохим! Унга иштиёкмандлигимдан бошяланг, оёкяланг хар тарафга югурдим, бу билан бошданқ оёк ёмон инсон эканимни халойикка намойиш килиб кўйдим!

Илохий, агар шавки [\[24\]](#) жунунидин кўксумга тош урдум, ул тош била нангу номусум шишасин синдурдум.

Илохим! Унинг шавкида телбалигимдан кўксимга тош билан урдим ва бу тош билан ор-номусим шишасини синдирдим!

Изох:

Аллохим! Унга муштоклигим мени мажнун килиб, бу мажнунлик кўксимга тош бўлиб урилди, натижада ҳеч нимага парво қилмайдиган, ўзгаларнинг гап-сўзларидан таъсирланмайдиган холга тушдим.

Илохий, гоҳи бу жунундин атфол тошин бошимга ёғдурдум, гоҳи ахбоб маломати нишин кўнглумга еткурдум.

Илохим! Баъзан бу мажнунлигим билан ёш болалар бошимга тошлар ёғдиришига сабаб бўлдим, баъзан дўстлар маломати игналарининг кўнглимга санчилишига боис бўлдим!

Изох: Аллохим! Бу мажнунлик, телбалик сабабли акли ёш одамлар бошимга балолар ёғдирди, гоҳида эса якин кишиларим мени кўнглимни огритадиган даражада маломат қилишга тушди!

Илохий, қайси исён тийралиги [\[25\]](#) билаким, офиятим юзи қорормади?! Қайси бедод суубатиким, мен қаро юзлукка бормади?!

Илохим! Қора доғи офиятим юзини қорайтирмаган қайси гуноҳ қолди?! Қийинчиликлари мен юзи қарога етмаган қайси зулм қолди?!

Илохий, йигитлигим бу навъ хам катиг ўтти, хам ачиг, карилигда юз катла ўзумни ўлтурсам, не асиг?

Илохим! Йигитлик даврим шунчалар каттик ва аччик ўтди, энди кариганда ўзимни юз марта ўлдирсам хам, нима фойдаси бор?!

Илохий, эмди хамким, барчадин кечмак хаёлин килурмен, ўзлугум била кеча олмон, якийн [\[26\]](#) билурмен.

Илохим! Хали хам бўлса ҳаммадан кечсам, деган ўйдаман, аммо ўз куч-кудратим билан кеча олмайман, буни аник биламан!

Илохий, андоки, бу балоларга солдинг, куткор ва андоким, бу ибтилоларга кюрдунг, чикор.

Илохим! Мени бу балоларга солганингдек, улардан Ўзинг куткаргин, бу синовларга киритганингдек, улардан Ўзинг чикаргин!

Илохий, мен банда [\[27\]](#) тавба килдим дегандин не суд, Сен тавба бергилки, хам Таввобсену хам Маъбуд.

Илохим! Мен бир кулман, тавба килдим, деганимдан не нима фойда?! Сен тавба насиб эт, чунки Таввоб хам, Маъбуд хам Ўзингсан!

Изох:

Таввоб – тавбаларни кўп қабул килувчи.

Маъбуд – ибодат килишга лойик, ибодат килинадиган Зот.

Илохий, намозеки, эл бўлмагунча килмагаймен, [28] худнамойлигдур ва ул намоз учун хиркаву ридо худоройлиг.

Илохим! Одамлар боридагина ўқийдиган намозим ўзимни намойиш килишдир, бу намоз учун хиркаю ридо кийимини кийиш эса ўзини безашдир!

Изох:

Накадар гўзал маком! Аллох таолога ибодатни бажо келтириб туриб, уни ноқис, яроксиз деб санаш билан Аллохнинг олдида ўзини хокисор тутиш бандаликнинг хақиқий намунаси дир. Ибодат килганда нафсу шайтон хуруж этиб, «Сен ибодатни жойига қўйдинг, жуда яхши одамсан-да?» деб васваса килса, солиқ банда бунга қарши нафсини маломат килади: «Йўқ. Бу ибодатимда ихлос етишмади, шунда хам қалбимда хўжақўрсинлик хисси сўнмади. Қўринишимдан такводорман, аслида эса қалбимда бу поклик йўқ», дея ўзини танқид килади, амалини оз санайди, ўзини хокисор тутди ва Аллохнинг олдида амалларини паст санаб, яна У Зотнинг Ўзига илтижо килади:

Илохий, ул намоишу оройишдин кўнглумни мубарро кил ва бу навъ шайтон либосотидин [\[29\]](#) пайкаримни муарро этгил.

Илохим! Бундай намоиш ва безанишдан кўнглимни пок кил, бундай шайтон кийимларидан танамни холи кил!

Илохий, тоатка тавфик берсанг, риёдин асра ва ибодатка йўл кўргузсанг, хатодин асра.

Илохим! Тоатга тавфик берсанг, риёдан сакла, ибодатга йўл кўрсатсанг, хатодан сакла!

Изоҳ:

Аллохим! Риёкорлик билан булганган амал керакмас, ибодатингга тавфик бердингми, энди мени риёдан хам сакла, акс холда амалим менга фойда эмас, зарар келтиради. Аллохим! Ибодатингни насиб этар экансан, Ўзинг кўлимдан тут, хато килиб кўйишдан асра, акс холда ибодатимдан ҳеч фойда йўк!

Илохий, ул тоатки, ужб келтургай, кўнглумга ёвутма ва ул маъсиятким узрга еткургай, тилимдин йирок тутма.

Илохим! Ужбга олиб борадиган ибодатни кўнглимга якин келтирма, тавбага олиб борадиган гунохни тилимдан узок килма!

Изох:

Ужб – ўзига бахо бериш.

Ўз ибодатига бахо бериб, гурурга кетган кишининг ибодати ўз эгасига фойда эмас, балки зарар манбаидир. Бир оз амал килган киши бўлиб, кейин адашиб кетганлар канча! Шу боис солиқ доимо Аллохдан ужбсиз амал сўраши, калбини ужбу риё иллатларидан асраши лозим. Тасаввуф ахли: «Бундай адаштирувчи ибодатдан кўра кишининг тавбасига сабаб бўладиган гунох яхши», дейдилар. Чунки ужбга йўгрилган ибодат кишига гунох эшигини очса, тавбага олиб борадиган гунох инсонни ибодат чўккиларига олиб чиқади.

Илохий, беилж дардка алил килма ва бемурувват номардка [\[30\]](#) залил килма.

Илохим! Давосиз дард билан касал килма, одамгарчилиги йўк номард олдида мени хор килиб кўйма!

Илохий, беаслар мазаллатидин асра ва бедийнатлар тухматидин асра.

Илохим! Бетайинлар тубанлигидан асра, диёнатсизлар тухматидан сакла!

Илохий, жохил сухбатига побанд этма ва арозил хашматига хожатманд этма.

Илохим! Илмсизга хамсухбат бўлишга мажбур килиб қўйма, пасткашларнинг дабдабасига мухтож килма!

Илохий, носипослар маломатидин йирок тут ва хакношунослар [\[31\]](#) хусусиятидин кирок [\[32\]](#) тут.

Илохим! Ношукрлар маломатидан йирок кил, хакикатни, яхшиликни билмайдиганларнинг хусусиятларидан узок кил!

Илохий, кўнглумни дарду шавкунг [\[33\]](#) мухаббати била овут ва кўзумни надомат ашки селоби била равшан тут.

Илохим! Ўзингга бўлган муштоклигу дардмандлик мухаббати билан кўнглимни овут, надомат кўз ёшлари тошкини билан кўзимни равшан эт!

Илохий, тилимни неъматни бекиёсингга шокир айла ва кўнглумни хамду сипосингга

[\[34\]](#)

зокир айла

Илохим! Тилимни бекиёс неъматларингга шукр келтирувчи кил, кўнглимни хамду санойингни айтувчи кил!

Илохий, каламимга [\[35\]](#) хамдинг ракамига машгулук бер ва ракамимга халойик кўнглига макбулук бер.

Илохим! Каламимни хамду санойингни битишга машгул кил, битганларимни халк кўнглига макбул кил!

Илохий, замиримга худписандлигни ёвутма ва хотиримни эл нафю [\[36\]](#) айбжўйлуғига

[\[37\]](#)

тутма.

Илохим! Манманликни кўнглимга якин келтирма, хотиримни одамларнинг инкор килишларию айблашларига каратиб кўйма!

Илохий, хаёлимни ниёзу дард ахлига мойил тут ва ниёзим кўзин дардмандлар аёги туфроги била ёрут.

Илохим! Калбимни дарду илтижо ахлига мойил кил, илтижоларим кўзини дардлиларнинг хоки пойи ила равшан эт!

Илохий, подшохи Исломни муслимин бошига туткил бардавом, яъни бандаларнинг устига кўланкангни кил мустадом, то шоху гадога дуогўйлик [38] килмиш бўлгаймен, вассалом.

Илохим! Ислом подшосини (яъни Хусайн Бойкарони) муслмонлар бошида бардавом кил, яъни бандаларинг устида соянгни давомий эт, токи шоху гадонинг хаккига дуо килай, вассалом.

[1] «С»да: Мулку милк – подшошлик ва эгадорлик, дейилган, яъни маънан бир-бирига якин.

[2] С. Ганиева матнида: «покрок», «оташнокрок».

[3] «С»да ва С. Ганиева матнида: «килса».

[4] «С»да: «Мумхаммад Расул соллаллоху алайхи васаллам».

[5] «С»да: «Бу йигирма тўрт минг».

[6] «С»да: «Санга», «этгайман», «нетгайман», «кетгайман».

[7] «С»да: «огохлик», «бештибохлик».

[8] «С»да: «хар ким ўзига».

[9] «С»да: «чун» йўқ.

[10] «С»да: «килур».

[11] «С»да: нафсга.

[12] С. Ганиева матнида: «шамъи рухсорларга».

[13] «С»да: «сабабдин».

[14] «С»да: расволиг.

[15] Муаллиф бу ерда сўфийлар адабиётида қўлланадиган мажозий атамаларни ишлатган. Бу ўша даврларда сўфийлик адабиётида удумга айланган эди. Шу ўринда, фурсатдан фойдаланиб, мазкур атамалар хақида кискача тушунча бериш лозим деб ўйлаймиз.

Биз ўрганаётган «Муножот» асари, кўриб турганингиздек, буюк шоирнинг Аллох таолога килган дил илтижоларидан иборат. Бинобарин, бу ўринда айтилатган жумлалар Аллох таолога хитобан айтиш муносиб бўлган сўзлардан иборат бўлиши аниқ. Буюк алломанинг шундай килиши табиий хам. Шу мақомдаки, «приузор»лар, гўзал «кош»у «кўз»лар хақида сўз борар экан, демак, бу сўзлардан одатий юзаки маънолар тушунилиши мумкин эмас.

Зотан, гуноhini Аллох таолога васф килиб бериш хеч бир хаё эгасидан содир бўлмайди! Хўш, у холда гап нима хакида боряпти? Биз ана шу саволга жавоб беришга харакат киламиз.

Хар бир илмнинг, хар бир соханинг ўз истилохлари – атамалари бўлганидек, тасаввуф илмининг ҳам ўз истилохлари бор. Маълум сохага тааллуқли адабиётни ўқимокчи бўлган киши ўша соханинг атамаларини билиши шарт. Акс холда у ўқиган илмидан хеч нарсани тушуна олмайди ёки нотўғри тушунади. Хар кандай илмнинг атамалари ўша соханинг вакиллари, намояндаларидан олинади. Шу боис тасаввуф ахлининг истилохларини ҳам сўфийлик уламоларидан олиш лозим. Хусусан, тасаввуф илми иситлохлари хакида гап борганда, масала яна ҳам таъкид олади. Чунки тасаввуф илми калб, рух илми бўлгани, ундаги истилохлар хиссиёт ва туйгуларга ҳамда гайбий оламга алоқадор бўлгани учун бу тўғрида жуда ҳам дақиқ, эҳтиёткор бўлиш талаб килинади.

Алишер Навоий рахматуллохи алайх ҳам тасаввуф йўлини тутган такволи олимлардан бўлган. Ўз ижодида давр анъанасига мувофик, тасаввуфий истилохларни кенг қўллаган. Шу жумладан, кўлингизда турган «Муножот» асарининг хозир ўзингиз ўқиб турган жумлаларида ҳам ўша истилохларни ишлатган. Биз мазкур истилохларни тасаввуфий манбалар асосида изохлашга харакат килдик. Бунда аллома Мухаммад Алий Тахонавийнинг «Кашшафу истилахатил-фунуни вал-улум», Абдурраззок Кошонийнинг «Истилахатис-суфийя», Абдуррахмон Жомийнинг «Ашиъъатул-ламаъат», Рафик Ажамнинг «Мустолахатит-тасоввуфил-ислабий», Суад Хақимнинг «Ал-муъжамус-суфий», Доктор Чебечи ўглининг «Тасаввуф теримлери ве дейимлери сўзлугу» асарларидан фойдаландик.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ерда айтилаётган «тасаввуф истилохлари» мутлак маънода эмас, яъни барча тасаввуф йўналишларининг умумий якдил атамалари эмас. Балки асосан «фалсафий тасаввуф» йўналишига доир истилохлардир. Шу билан бирга, хар бир атамага муаллифнинг дунёкараши, услуби, у яшаган давр ва минтакадан келиб чиқиб ёндашиш максадга мувофикдир.

[16] С.Ганиева матнида «жавлон» сўзи «чевилан» деб берилган.

[17] «С»да: «хар дам» йўк.

[18] С.Ганиева матнида «нўк».

[19] С.Ганиева матнида «изтиробидин».

[20] «А»да «ва парвона жони ўртанмаги хам Сендин» жумласи тушиб колган.

[21] «С»да: «дилафрўзлуг», «жигарсўзлуг».

[22] С.Ганиева матнида «ислом».

[23] «С»да: «хавосидин», яъни мухаббатидан.

[24] С.Ганиева матнида «шавк».

[25] «С»да: «тасарруфи».

[26] «С»да «якийн» йўк.

[27] С.Ганиева матнида «банда» сўзи йўк.

[28] «С»да: «килмаймен».

[29] С.Ганиева матнида: «либосидин».

[30] С.Ганиева матнида: «дардга», «номардга».

[31] С.Ганиева матнида: «ношунослар» бўлиб колган.

[32] С.Ганиева матнида: «йирок».

[33] С.Ганиева матнида: «шавкинг».

[34] С.Ганиева матнида: «сипосингга».

[35] «С»да «каламимни» бўлиб колган.

[36] С.Ганиева матнида «нафъу» бўлиб колган.

[37] С.Ганиева матнида «айбжўлигига» бўлиб колган.

[38] «С»да: «дуогўйлук».

«НАВОИЙДИН ЧУ ТОПКАЙЛАР НАВОЕ» китобидан

